



ЖАМИЯТ

№ 17 (793)
2022 йил
6 май,
Жума

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz


@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1

Тараққиёт сири:

КОРРУПЦИЯНИ БИЛМАЙДИГАН ЯПОНЛАР



Тирикчилик ташвиши:

ЧЕТДА ИШЛАШ ОСОНМИ?



Миллат қайғуси:

ОНА ТИЛИДАН ОР ҚИЛМАНГ!

**Жамоатчилик
назорати:**

ҚУРИЛИШ ДЕСА ҚЎРҚИШАДИ...

**Самарқанд
сафари:**

ТАБАРРУК МАНЗИЛЛАР ТАРОВАТИ



**9 май — Хотира
ва қадрлаш куни:**

САЙДИ УМИРОВ ҚАНДАЙ ОДАМ ЭДИ?



Грузия дафтари:

БУЛОҚ СУВИДА ПИШГАН ҚИРҒОВУЛ

Мамлакатимизда Тараққиёт стратегияси ғоясига асосланган Янги Ўзбекистон стратегияси барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бугунги кунга келиб, жаҳон иқтисодиётида ривожланишнинг олдин учрамаган янги-янги омиллари ва тенденциялари вужудга келди ва бу йўналишларни амалиётга жорий қилишни тақозо қилмоқда.

диётининг ривожланиши билан бирга ташки савдо ҳолатига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Натижада Япониянинг пул бирлиги бўлган иен барқарорлашди ва инфляция кўтарилишининг олди олинди.

Мамлакат саноатни тиклашда япон халқи хорижий мамлакатларнинг ютуқларини ўрганиб, ўз ҳаётига татбиқ этишга киришди. Бир қанча давлатлар билан дўстона алоқаларни

касблардан бири сифатида қаралади. Японияда фаррошларни ишга олишдан олдин улар шу касб бўйича ёзма ва оғзаки имтихондан ўтказилади. Чунки кунчиқар мамлакатда “саломатлик муҳандислари” деб эъзозланадиган фаррошларга 5000 дан 8000 долларгача маош берилади.

Японияда барча соҳаларда интизом биринчи ўринда туради. Масалан, поезднинг кечикиш ўлчами бир

чи хомашёда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, асосий қисми четга экспорт қилинади.

Келажакка дахлдорлик

Мамлакатда ходимларни ишга жойлаштириш, уларнинг мавқеини кўтаришда коррупция элементлари бутунлай аралашмайдиган тизим яратилган. Япония корхонаси ишчи ёки хизматчи билан умрбод иш би-



ЖАҲОН ТАН ОЛГАН ТАЖРИБА

Бизда меҳнат, табиий ресурслар етарли. Фақат улардан самарали ва тез ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш лозим бўлади. Шу ўринда қисқа вақтда дунёдаги етакчи давлатлар сафига, яъни АҚШ ва Хитойдан кейин 3-ўринга чиқиб олган Япония тажрибаси ҳақида тўхталмоқчимиз.

Япон мўъжизаси

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Японияда катта ислохотлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигида ҳукумат қарори билан ер ислохоти ўтказилди ва майда ер эгалари ўзлари етиштирган маҳсулотга ўзлари эгаллик қила бошладилар. Шу йўл билан мулкдорлар синфи шаклланди. Бундай ер ислохоти ҳақиқий инқилоб сифатида баҳоланди.

1947 йилда мамлакат парламенти қабул қилган янги Қомусга кўра, Конституцион монархия тузуми ўрнатилди. Император амалда реал ҳокимиятдан маҳрум этилиб, фақатгина миллатнинг бирлик рамзи сифатида сақлаб қолинди. Бош вазирни император тайинлайдиган, аммо унинг номзодини парламент тасдиқлаши зарурлиги белгилаб қўйилди. Кунчиқар мамлакатда конституциявий давлат шакллантирилди.

1953 йилда АҚШ-Япония ўртасида “Дўстлик, савдо ва денгиз кемалари катнови тўғрисида”ги битим имзоланди. Мазкур ҳужжат иккала давлат фуқароларига бир-бирининг ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини берди. Бу иккала давлатга ҳам манфаатли бўлди. Америкалик магнатлар Япония бозорига ўз сармояларини олиб кира бошладилар.

Япония иқтисодиётининг барқарор ривожланишида америкалик молиячи Д.Додж томонидан ишлаб чиқилган “Dodge Line” лойиҳаси муҳим аҳамият касб этди. Ушбу дастурда инфляцияни бартараф этиш билан бирга иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган чоралар белгиланган эди. Бу молиявий ислохот Япония иқтисо-

ўрнатди, ҳарбий харажатларни камайтириш имкониятидан ҳам фойдаланди. Японияда бу харажатларнинг ҳиссаси йиллик ижтимоий маҳсулот қийматининг атиги бир фоизини ташкил этарди, холос. Бундай тадбирлар бутун капитал маблағининг жуда катта қисмини ишлаб чиқаришга йўналтириш имконини берди.

“Ахлоқ томон йўл”

Таълим тизимига алоҳида аҳамият қаратилди. Бошланғич синфдан то олтинчи синфгача “Ахлоқ томон йўл” дастури остида дарс ўтиладиган, ўқувчиларнинг ахлоқ ва жамиятда муомала маданиятини чуқур ўзлаштиришига эътибор берилди. Болалар онгига ёшлигидан одоб-ахлоқ тушунчаларини сингдириш тарбиянинг асосий моҳияти қилиб қўйилди. Шу тарбия замирида мустақам интизом шаклланиб борди.

Японлар бой бўлишига қарамасдан, уларда хизматкорлар меҳнатидан фойдаланилмайди. Мактабларда ҳам ўқувчилар устозлари билан бирга хар куни 25 дақиқа синфхоналарни тозалаш билан шуғулланишди. Бу ҳам болаларни тозаланишнинг кадрига етишга, камтарин бўлиб ўсишига сабабчи бўлган. Муҳими, ҳамма ўқувчиларга бир хил қаралган, улар онгига тенглик руҳи сингдириб борилган. Болаларнинг илм олиши ва тарбиясига ота-она масъул.

Япон ўқувчилари шахсий гигиенага қаттиқ риоя қилади. Улар мактабга ўзлари билан зарарсизлантирилган тиш чўткасини олиб боришади. Овқатдан сўнг тишларни ювиш ва бошқа шахсий гигиена эвазига болалар ёшлиқдан озодаликка, саломатликка эътиборли бўлишга кўникма ҳосил қилади. Балки шу туфайлидир, дунёда ўртacha умр кўриш жиҳатидан Япония аҳолиси энг узок яшайдиган давлат ҳисобланади.

“Саломатлик муҳандислари”

Бизда фаррошликка энг маоши паст ва малака талаб қилинмайдиган

йилда 7 сонияга тўғри келар экан. Интизом жамиятда шаклланган, кекса-ю-ёш учун бир хилдаги қоида сифатида кўрилади. Интизомли инсонларга ўзини ҳурмат қиладиган шахс сифатида қаралади. Интизомли, интеллектуал салоҳиятли, билимдон, маданиятли авлод мамлакатнинг том маънодаги олтин фонди сифатида баҳоланади.

Билимдон кадрларнинг шаклланиши асосий капиталнинг мунтазам янгилашиб боришига омил бўлмоқда. Саноат корхоналаридаги жиҳозлар вақти-вақти билан алмаштирилиб турилади ва модернизация қилинади. Яна бир муҳим жиҳат, Японияда табиий бойликлар кам бўлгани учун хомашё хориждан импорт қилиниб, қайта ишланади ва тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилинади.

Япония иқтисодиётини ривожлантиришда кўптармоқли соҳаларнинг вужудга келиши асосий омиллардан бири бўлди. Бу капитални тез айлантиришга олиб келди ва тармоқларнинг кенгайиб боришини тақозо қилди. Биргина кемасозлик корхоналарига эътиборни қаратадиган бўлсак, ушбу соҳа кейинчалик машина-созлик, кимё жиҳозлари, турбиналар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Мамлакатда энг муҳим саноат тармоқлари бўлган атом энергияси, оғир саноат, ракетасозлик ва бошқа соҳаларга капитал кўйиш мувофиқлаштирилди. Кўплаб саноат корхоналари давлат ҳисобидан истеъмолчилар яшайдиган ва хомашё яқин бўлган янги жойларга кўчирилди. Мамлакатда илмий-техник изланишларга катта маблағлар йўналтирилди. Шунинг баробарида ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилди, улардан илғор техника ва технологиялар ўзлаштирилиб, модернизациялаштирилди ҳамда қайтадан истеъмол бозорига чиқарилди.

Японияда чиқиндини қайта ишловчи жуда кўплаб корхоналар барпо этилган. У ерда иккилам-

лан таъминлаш тўғрисида шартнома тузади. Бу шароитда ходим интизомли, ҳар қандай қийинчиликка чидайдиган, корхонани ўзиники деб биладиган ва унга хиёнат қилмайдиган руҳиятга эга бўлади. Бундай психологик ёндашув ходимларни жон-жаҳди билан меҳнат қилишга ундайди.

Ана шу каби бир қатор омиллар Япония иқтисодиётининг гуркираб ривожланиши учун замин яратди. Тарихан қисқа вақт ичида, яъни 1950 йилга келиб саноат ишлаб чиқариши урушдан олдинги даражага етди. 1951-1970 йилларда мамлакат иқтисодиётининг йиллик ўсиши ўртacha 14,6 фоизни ташкил этди. 1960 йилга келиб Япония саноатининг йиллик ўсиши 20 фоизни ташкил қилди. Бундай ўсиш ҳали ҳеч бир давлатда кузатилмаган эди. Бу иқтисодий ривожланиш тарихда “Япон мўъжизаси” деб номланди.

Бугунги кунда Япония роботлар ишлаб чиқариш ва фойдаланиш бўйича дунёда биринчи, автомобиль ишлаб чиқариш бўйича иккинчи ўринда туради. Япон халқининг ватанпарварлиги, интеллектуал салоҳиятининг юқорилиги, маънавиятининг юксаклиги, коррупция элементларининг деярли йўқлиги бу муваффақиятлар замирида мужассам.

Миллий менталитетимизни эътиборга олган ҳолда мана шундай муваффақиятлар омилларини ўрганиб, ўзимизда ҳам жорий қилиш мумкин. Буни, албатта, буйруқ ва бошқа маъмурий йўллар билан амалга ошириб бўлмайди. Халқимиз ўзининг ислохотларга дахлдорлигини ҳис қилиб, жамиятга, ўз вазифасига нисбатан шахсий масъулиятини оширсанига муваффақиятга эришиш мумкин.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд иқтисодиёт ва
сервис институти профессори,
иқтисод фанлари доктори



ХАВФСИЗ, ТАРТИБЛИ ВА ҚОНУНИЙ

хорижда ишлаётган фуқароларнинг хотиржам меҳнат қилишини таъминлайди

Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) маълумотига кўра, халқаро мигрантларнинг умумий сони дунё бўйлаб қарийб 272 миллион кишини ташкил этади. Уларнинг учдан икки қисми меҳнат мигрантлари ҳисобланади.

Юртимизда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда муҳим ҳисобланган ушбу масалани ҳал этиш, меҳнат миграциясини тартибга солиш, бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилди.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда меҳнат бозорини ривожлантиришни чуқур таҳлил этиш асосида ёшлар орасидаги миграция даражаси юзасидан илмий тавсиялар ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Жаҳон иқтисодий алоқаларида меҳнат миграцияси муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларга кўра, дунё миқёсида ишчи кучининг нормасий миграцияси кўпайиб бормоқда. Бундай ишчилар ижтимоий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланмаган бўлиб, аксарият ҳолларда юқори малакали мутахассисларнинг оддий ишчи сифатида ишлашлари ва айрим ҳолларда маҳаллий ишчиларга нисбатан бир неча баробар паст ҳақ олишларига тўғри келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маълумотларга кўра меҳнат мигрантлари орасидан юқори маълумот ва касбий тайёргарлик талаб қилмайдиганлар қурилиш ишларига юборилмоқда. Меҳнат мигрантлари орасида нисбатан юқори даражадаги иш ҳақидан ҳам воз кечиш, шартнома муддати тугамасдан қай-

тиб келаётганлар ҳам бор.

Қайд этилган мазкур муаммоларнинг мавжудлиги, шунингдек, меҳнат бозорида ёшларни иш билан таъминлаш ва миграцияни тартибга солиш ва такомиллаштириш масалаларини ҳуқуқий, илмий ва амалий тадқиқ этиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистонда кейинги беш йилликда ушбу соҳага эътибор кучайди. Ўтган даврда соҳани бевосита

йилдаги қарорига мувофиқ меҳнат миграциясида иштирок этадиган фуқароларга, уларга ўз вақтида ижтимоий солиқни тўлаб борган тақдирда, иш стаж ҳисобланадиган бўлди.

Янги Ўзбекистоннинг янгича миграция сиёсати, бу соҳага бўлган ёндашувнинг ўзгариши, тизимли ишлар амалга оширилиши натижа-сида чет элларда оғир вазиятларга тушиб қолган ёки хорижий давлатларнинг, айниқса Россиянинг вақтинчалик марказларида сақланаётган фуқароларни Ўзбекистонга олиб келиш, тиббий жароҳат олган фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатиш харажатларини қоплаб бериш ҳаракатлари амалга оширилмоқда.

Шу орқали 2018 йилдан буён хорижда оғир ва вазиятларда қолган

нинг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналарининг Ўзбекистонлик меҳнат мигрантининг меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келгандан беҳабар бўлишини эътиборга олсак, бундай фуқаро аксарият ҳолларда одам савдоси қурбонига айланади. Бундан ташқари, ишлаш учун хорижда ноқонуний йўл билан кетаётган фуқаролар чет элларга кетаётган фуқароларни мослаштириш ва ўқитиш марказида мажбурий дастур бўйича ўқитилмайди. Демак, борадиган мамлакати қонунчилиги, анъаналари ва ўзини тутиш нормалари асослари ҳақидаги ҳамда бошқа маълумотга эга бўлмайди.

Кейинги йилларда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шароитларини яхшилашга эътибор кучайди. Россия, Қозоғистон, Туркия, Япония ва Бирлашган Араб Амирликлари билан меҳнат миграцияси борасида халқаро шартномалар имзоланди. Чет элларда ишлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида жамғарма ташкил этилиб, 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шу билан бирга, ташқи меҳнат миграция масалалари бўйича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Бугун юртимизда олиб борилаётган жадал ислохотлар кўлами, шиддати ҳамда кенг қамрови билан дунё нигоҳини қаратмоқда. Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимизга нисбатан “Янги Ўзбекистон” деган иборанинг тилга олинаётгани, албатта, мамлакатимиздаги ўзгаришларга берилаётган муносиб баҳодир.

Мамлакатимизда “Инсон кадри учун” деган эзгу тамойилни тўла рўёбга чиқариш, Конституция ва қонун устуворлигини, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлаш амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини ташкил этади ва давлатимиз сиёсатида муҳим аҳамиятга эга.

**Отамурод
ТУРСУНПҲАТОВ,
Ўзбекистон Республика
Ички Ишлар вазирлиги
Академияси курсанти**

Бугун юртимизда олиб борилаётган жадал ислохотлар кўлами, шиддати ҳамда кенг қамрови билан дунё нигоҳини қаратмоқда. Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимизга нисбатан “Янги Ўзбекистон” деган иборанинг тилга олинаётгани, албатта, мамлакатимиздаги ўзгаришларга берилаётган муносиб баҳодир.

ёки билвосита тартибга солувчи 12 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2016

ёки вақтинчалик сақлаш марказларида сақланаётган 4300 дан ортиқ фуқаро Ўзбекистонга олиб келинди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, фуқароларимиз бошқа мамлакатларга ишлаш учун ноқонуний борганида уларнинг ушланиб қолаётгани ва уларга тегишли иш ҳақи тўланмаётгани, маиший ва меҳнат шарт-шароитларининг ёмонлиги, техника хавфсизлиги нормаларига риоя этилмаслик ҳоллари кузатилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон фуқароси ўзи танлаган хориж компанияси фаолиятининг қонунийлигини мустақил ўрганиш имкониятига эга эмас, бинобарин, у ўша мамлакатда эмин-эркин ҳаракатланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари, шунингдек, мамлакатимиз-



Она тилимизнинг давлат тили мақомини олганига 33 йил бўлди. Бу давр ичида тилимиз қанчадан-қанча қийинчиликлар ва қаршиликларга дучор бўлди.

Энг ачинарлиси, бу тилда “тили чикқан” айрим ватандошларимизнинг ўзлари фақатгина тилимизни тафтиш қилиш билан овора бўлдилар, хужжатларни бошқа тилда юритиш тарафдори сифатида ўз она тилларига қарши чиқдилар.

Бундан 100-140 йиллар аввал ўтган шарқшунос, турколог олимлар – Илминский ва Остроумов: “Ўзбекни итоаткор қилишнинг энг яхши услуби – уни имлосидан, тилидан ва маънавиятидан айририш, бунинг натижаси ўларок, яқин келажакда бизнинг манфаатимиз учун хизмат қиладиган янги ўзбеклар қатлами юзага келади”, деган эдилар. Уларнинг бу узоқни кўзлаган мақсадлари амалга ошди, десак, муболаға бўлмайди ва ҳанузгача давом этапти.

Тилимиз тўғрисида гап кетганда, буларни ўйламасликнинг иложи йўқ. Тил тақдири шу масалалар билан чамбарчас боғлиқ. Айни замонда, мен она тилимизнинг кўп йиллар

давомида қай даражада таҳқирланганлигини, оёқ ости бўлганлигини ва унга беписандликни кўриб яшаб келаётган инсон сифатида унинг мавқеининг ҳозирги даражадалигидан шукроналар қиламан. Чунки, ҳукуматимиз томонидан она тили-

ҚАЧОН ЎЗГАРАМИЗ?

мизнинг мавқеини ошириш учун кўп ҳаракатлар қилинди, ҳатто Ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди. Лекин минг афсуски, халқимиз суверинитетимизнинг асоси бўлган бу масалага бефарқлигича қолмоқда. Бунинг тасдиғи ўларок, халқимизнинг катта қатлами, бошқа тилда гаплашадиганларнинг кўпчилиги ўзбек тилида гапиришни ўзига ор билади ва энсаси қотади – бу ҳақиқат.

Эсимда, ўтган йили ижтимоий тармоқларда бир гуруҳ томонидан рус тилига давлат тили мақоми бериш масаласи кўтарилди ва ижтимоий тармоқларда ҳамда матбуотда бунга қарши норозилик билдирилди. Мен шу масала кўтарилганлигидан ва миллатимизнинг онгли қисмининг унга қарши ғазабини кўриб шод бўлдим. Айтинг, тилимизга қарши чиқаётганлар кимлар? Шу заминда

яшаётган, суверинитетимизга қарши бўлган давлатимиз, миллатимиз душманларими? Нега билиб, билмасликка оламиз?

Қатағон йилларида шўро ҳукумати ўзбек тили ҳуқуқини талаб қилган, ўзбек тили ва адабиёти дурдоналарини яратган буюк истиқлол фидойиларини, жадидларни аёвсиз қириб ташлаган, “миллатчи”, “халқ душмани” тамғаси остида ўлимга ҳукм қилган эди. Ҳозирчи? Қачонга-

ча тилимиз ривожига тўғаноқ бўлаётганларни била туриб билмасликка оламиз!? Кўриниб турибдики, бурчак-бурчакларда биқиниб ётиб, яна тилимизни йўқ қилишга тайёр инсонлар жуда кўп. Шундай экан, она тилимизнинг келажакда ҳали хавф-хатарлар кўп. Шу сабабли, матбуотда, радио-телевидениеда, ижтимоий тармоқларда она тилимиз масаласини бир йилда бир марта эмас, ҳар куни баён этиш зарур. Токи, ота-онаси ким, бобо-момоси кимлигини эсидан чиқариб бўлган ва маданияти тубанлашган, манқуртга айланиб бўлганларга таъсир этсин. Она тилини билмайдиганлар энг маданиятсиз инсонлар эканлигини тушуниб етсинлар ва тарбиялансинлар, улар кўмсаётган тизим қайтиб келмаслигини тушуниб етсинлар, фарзандларини тарбиялашда шу масалаларни дастуриамал қилсинлар. Айтиб ўтилганларга амал қилиш она тилимиз ривожига ва тақдирини белгилашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз, деб ўйлайман.

Кенжабек ДОЛИМОВ,
тиббийёт фанлари номзоди, доцент.

ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНМАЁТГАН ЖОЙЛАРДА

аҳолининг ўзи ўз ҳақ-ҳуқуқларидан келиб чиқиб, бундай бебошликларга барҳам бериш талаби билан чиқмоқда

Бугун нафақат пойтахт Тошкент, балки мамлакатимиз вилоятлари-ю туманлари марказларидан тортиб, катта-кичик шаҳарларгача улкан қурилиш майдонига айланди, десак муболаға бўлмас. Бунёд этилаётган кўп қаватли уйлар, спорт иншоотлари, маданий-маиший бинолар, йўл ва кўприклар, дам олиш масканларини корхоналарни кўриб, кўзингиз яйрайди. Ҳавасингиз келиб, ич-ичингиздан қувонасиз. Шунда, мана, қилса бўларканку, деган фикр кўнглингиздан ўтади.

Бу табиий. Чунки, яратиш, яшна-тиш биз учун янгилик эмас, минг-минг йиллик мерос. Авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган бу мерос қалбимизнинг туб-тубигача сингиб кетган. Ота-боболаримиз қаерни макон этган бўлса, энг аввало, иморат қурган, ариқ қазиб сув келтирган, боғроғлар яратган. Бу борада маслаҳат ва кўмақларини бир-бирларидан дариг тутмаган. Энг муҳими, улар бунёдкорлик ишларида шошма-шошарликка изн бермаган. Қурилиш ишларига қўли гул, моҳир усталар жалб этилган. Қайси бинога қандай материал ишлатиш ва албатта, ер имкони-ятлари ҳамда иқлим ҳисобга олинган. Етти ўлчаб, бир кесгандан кейингина иш бошлаган. Ҳар бир иморат ва обиданинг қат-қатига меҳр-муҳаббат-у, маҳоратларини жо этган. Буларнинг ҳаммаси Бухоро, Самарқанд, Хива сингари ўлмас шаҳарларнинг барпо этилишига замин яратганлигидан фахрланмай бўлмайди. Нечанечас асрлардирки, аждодларимизнинг теран ақли-идроки, топқирлигию ижодкорлиги, юксак дид-фаросати билан бунёд этилган саройлар, маданий обидалару мадрасалар бутун дунё аҳлини хайратга солиб келмоқда. Чунки, уларнинг ҳар бири бениҳоя кўркам ва улуғвор, меъморий тузилишию қурилиши бетакрор ва мукам-

мал, ранглирию безаклари жуда-жуда ноёб. Гапнинг очиғи, томоша қилиб тўймайсиз. Шунинг учун ҳам фахру ифтихоримиз бўлган мамлакатимиз тарихий обидалари жозибадорлигию мафтункорлиги билан аҳли оламни ром этиб, чорлаб турибди. Олис мамлакатлардан келиб, мўъжизавий шаҳарларимизни томоша қилаётган сайёҳлар сони тобора ортмоқда. Улар эртақнамо қошоналаримизни-ю, буюк бобокалонларимиз мангу кўним топган муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, лол қолган ҳолда хайрату ҳаяжонларини яширолмай, юртимизга яна келишни эзгу ниёт ила ихтиёр этмоқдалар. Буни давлатимиз, халқимиз, миллатимиз, тарихимизу маданиятимизга бўлган юксак эҳтиром, ҳурмат ва муҳаббат рамзи деб билмоғимиз ва қадрламоғимиз керак. Айни шу гапларни такрорлаш баҳонасида кўпчилигимиз аллақачон унутган ёки лоқайд қараётган ва менинг назаримда долзарб ҳисобланган айрим қарашларимни ўртага ташламоқчиман.

Давлатимиз раҳбари бундан икки йил муқаддам пойтахтимизнинг Чилонзор туманида бўлганида кўп қаватли уйлар хонадонлари ўзбошимчалик билан ўзгартирилаётгани ва уларга ёндош турган ноўрин қурилмаларни танқид қилган, бу қусурлар-

ни зудлик билан бартараф этишни тегишли идоралар раҳбарларига топширган эди. Афсуски, давлат ва жамият аҳамиятига молик бу ўта муҳим масалани раҳбарман деганнинг ҳаммаси ҳам тўғри қабул қилолмади.

Шу туфайли ўша пайтда Миробод туманидаги Шароф Рашидов номли маҳалла худудидаги салкам ярим гектарлик болалар боғи ичидаги 30-40 йиллик йигирмадан ортиқ дарахтлар кундаков қилинди. Улар ичида таниқли ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг ўз қўли билан эккан дарахтлари ҳам бор эди. Танаси бошқа дард билмас, деганларидек, маҳалланинг ўша пайтдаги раҳбари шу еда яшаётган фуқароларнинг эътирозига кулоқ тутмади. Дарахтларнинг керакли қисми ҳаш-паш дегунча, керакли жойга ўраб-чирмаб олиб кетилди. Ярим гектарлик майдонга бетон куйила бошланди.

Обод жойнинг вайронага айлан-тирилгани одамларнинг норозилигини жунбушга келтирди. Ўшндан бошлаб, ҳокимиятдан ҳокимиятга, прокуратурадан прокуратурага, суддан судга югур-югур-у, куйидан юкоригача ёза-ёз бошланди. Телевидение ва интернетда қатор-қатор танқидий репортажлар берилди. Қурилиш устида ҳар куни жанжалу, норозилик йиғилишлари. Бу машаҳад қарийб бир йилга чўзилди. Энг нуфузли идораларгача қилинган мурожаатлар-у, эллик-олтмишлаб одамларнинг қабулхоналарда кун бўйи сарғайиб ўтиришларидан бирон бир натижа чиқмади. Туманлараро суд бу ерга беш қаватли уй қуриш ҳақидаги ҳоким қарорини тўғри деб топди.

Жамоатчилик назорати



Лекин бу ерда яшаётган аҳоли адолатни қарор топтириш учун янада жипслашиб, ақл-идрок билан курашни давом эттирди. Ҳақиқат эгилса-да, синмаслиги Тошкент шаҳар маъмурий судида ўз исботини топди. Суд мазкур иш бўйича масъул ташкилотлар тақдим этган хужжатларни ипидан игнасиғача ўрганиб чиқиб, ҳоким қарорини бекор қилди. Лекин маҳалла раисининг руҳсати билан бу ерда турли ноқонуний қурилишлар авж олди. Биров кўп қаватли уйнинг биринчи қаватидан кафе очган бўлса, бошқа биров биринчи қаватда йўқ балконни бунёд этди. Яна бири машина кўйиш учун баланд бетонли майдонча курди...

Эндиликда буларнинг барчасига барҳам бериладиган бўлди. Энг аввало, қонун бузилаётган, қурилиш меъёрларига риоя қилинмаётган жойларда аҳолининг ўзи ўз ҳақ-ҳуқуқларидан келиб чиқиб, бундай бебошликларга барҳам бериш талаби билан чиқмоқда. Қолаверса, маҳаллий ҳокимият ҳам уйғонди, халқнинг тарафини оладиган бўлди. Буларнинг замирида Президентимизнинг барча соҳаларда олиб бораётган ислохотлари мужассам.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
журналист.



ТАБАРРУК МАНЗИЛЛАР ТАРОВАТИ

Самарқанд нафақат тарихий ва азим шаҳар, балки унда миллий анъаналаримиз, асрлар силсиласидан омон ўтиб келаётган осориатикалар, номоддий маданий мерос гавҳарлари мужассам. Шунинг учун бўлса керак, Ер юзининг сайқали деб аталмиш бу маскан дунё сайёҳларининг хайрату хаяжонини шоширади. Вилоятда халқимизнинг бой моддий ва номоддий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва келажак авлодга бус бутунлигича етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада “Умрбоқий мерос” Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази фаолияти ҳам эътиборга молик.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги буюртмасига асосан марказ томонидан “Ўзбекистон номоддий маданий мерос элементларини муҳофаза қилиш” ижтимоий буюртма лойиҳаси асосида ташкил этилган экспедиция худудда ноёб номоддий маданий меросни ўрганиди ва тарғиб қилмоқда. Мазкур экспедиция ижро санъати, пазандачилик ва хунармандчилик каби учта йўналишларида ташкил этилди.

Экспедициянинг Самарқанд вилоятидаги ўрганишларида энг асосий эътибор номоддий маданий меросни асраб келаётган, уни авайлаб, келажак авлодга етказишни мақсад қилган инсонлар фаолиятига қаратилди. Уларнинг меҳнатлари видео, фото ва аудио тасмаларга ёзиб олинди.

Самарқанднинг намунавий мақом ансамблию айтимлари тилдан дилга кўчгуччи бахшилар довуғини эшитгансиз. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек Миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан 2018 йил 1 ноябрда вилоятнинг намунавий мақом ансамбли ташкил этилган. Асосан ёшлардан иборат 15 та хонанда ва 15 та созандадан иборат бу жамоа ўтган давр мобайнида вилоят микёсида ўтказилиб келинаётган барча тадбирларнинг фаол иштирокчиси. Ансамбль аъзолари самарқандлик мақом билимдонлари — “Дўстлик” ордени соҳиби Хусан Файзуллаев, Уйғун Бўтаев, Фозил Очиловлар билан ижодий алоқада. Ансамблнинг катта-кичик барча дастурлари ушбу устозларнинг назоратидан ўтади.

— Бугун бахшичилик санъатига қаратилаётган эътибор ҳам ҳар қачонгидан баланд, — дейди марказ раҳбари Лутфия Мирзаева. — Ушбу йўналишни ёшлар ўртасида тарғиб этиш, бахшилар маҳоратини ошириш, малака алмашиш мақсадида 2021 йилда Нарпай туманида кўплаб амалий ишлар, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб ке-

линмоқда. Жумладан, Бахшичилик санъатини оммалаштириш мақсадида жорий йилнинг 18-апрель куни Нарпай тумани Маданият бўлими томонидан 27-сон болалар мусиқа ва санъат мактабида бахшичилик бўйича “Маҳорат дарслари” ташкил этилди. Пастдарғомлик Аҳрор бахши, нурободлик Элбек бахши ҳамда каттақурғонлик Сапарали бахши, Ҳалим бахши, Мурод бахшиларнинг довуғи юрт бўйлаб ёйилган. Энг қувонарлиси, бугун бахшичилик соҳасига ёшларнинг қизиқиши баланд. Шу санъатни ривожлантириш мақсадида болалар мусиқа ва санъат мактабларида махсус бахшичилик синфлари ташкил этилган.

— Бахшичилик эл орасида ўзининг кўп сонли мухлисларига эга бўлиб келган, — дейди нурободлик Шавкат бахши Бобомуродов. — Бахшилар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар кишига завқ улашувчи лирик куйлар ҳисобланади. Президентимиз ташаббуси билан биринчи бор Сурхондарё заминида ташкил этилган Халқаро бахшичилик санъати фестивали ушбу санъат ривожига дунё халқлари эътиборини қаратишга қўйилган илк қадам бўлди. Самарқандлик бахшилар ҳам Сурхондарё ва Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган фестивалда муваффақиятли иштирок этишган.

Самарқанд “Шашмақом”и ҳам маълуму машҳур. Мусиқага ихлоси баланд фидойиларнинг ташаббуси билан Самарқанд туманида “Шашмақом” ансамбли ташкил этилган ва республика микёсидаги кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. “Гулузорим”, “Бекбоқча”, “Бозургоний”, “Самарқанд ушшоғи”, “Кўқон ушшоғи”, “Катта ушшоқ”, “Чапандози наво” ва бир қатор баётлар, уффорлар, сокиномалар ҳамда мақом чолғу куйлари, мақом ва классик кўшиқлар ижро этиб келинади.

Самарқанд туманида ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий

этиш юзасидан навқирон авлодни мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турлари-га қизиқишларини оширишга қаратилган тадбирлар бўйича 2021 йил давомида “Шашмақом” халқ ансамбли томонидан 44 та маҳалла ва 34 умумтаълим мактабларида жами 78 та маҳорат дарслари, уч авлод учрашуви ўтказилди. Шунингдек, “Шашмақом” халқ ансамбли томонидан “Умидбахш наволар” концерт дастури ташкил қилинди. Унда ансамбл томонидан куй ва қўшиқлар ижро этилди.

Худудда фаолият юритаётган “Сарбози”, “Бешқарсақ”, “Чавқи” фольклор этнографик халқ ансамблларининг фаолиятлари билан яқиндан танишилиб, улар ижросидаги халқ кўшиқлари видео ва аудио тасмаларга ёзиб олинди.

Самарқанд ошининг довуғини эшитгандирсиз. Мазали, тўйимли ва хўшхўр... Худудда ошпазликнинг ҳадисини олганлар жуда кўп. Унда профессионал ошпазлар Анвар Мамедов, Муҳаммад Аҳмаджоновларнинг хизмати катта.

— Айнан зиғир ошини тановул қилиш учун келадиган хўрандалар кўп, — дейди ошпаз Анвар Мамедов — Уларнинг таъбиға мос, мазали ош тайёрлашга ҳаракат қиламиз. Бу касб бизга ота мерос. Миллий таомлар ҳаммиша харидоргир бўлган. Шунинг учун бу анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб бораверади.

Экспедиция ўрганишларининг кейинги объекти — қуроқдўзлик йўналиши бўлди. Қуроқдўзлик моларимиздан мерос бўлиб келаётган қадим хунармандчилик тури. Қиз узатаётганда албатта, сарпосига қуроқдўзлик маҳсулотлари солинади. Сабаби, қиз борган хонадонига барака олиб кирсин, серфарзанд, сердавлат бўлсин деб. Шу мақсадда бўлажак келинларга қуроқдўзлик асосида тикилган дастурхон, чимилдиқ, ёстиқлар берилади. Экспедиция аъзолари қуроқдўзлик санъатининг ўзига хос нозик жиҳатлари ва шу хунарни давом эттириб келаётганлар фаолияти билан ҳам яқиндан танишишди.

Бундай хунармандлардан бири Шоира Ғаниевадир. Шоира опа хунармандчиликнинг икки тури билан шуғулланиб келади. Қуроқчилик ва батик (матога гул босиш) санъати.

— Хунармандлар орасида бир яхши анъана бор, — дейди олтинчи авлод вакили хунарманд Шоира Ғаниева. — Хунарманд хунармандга қиз узатади ёки келин олади, сабаби келажакда шу хунар тури йўқолиб

кетмасин, авлоддан авлодга мерос қолсин дейилади. Бугун шу ҳалол меҳнатим ва кадрли хунарим орқасидан бутун дунёни айланиб чиқдим. Матога гул босиш ҳам бир санъат, унинг ҳам ўзига хос нозик жиҳатлари бор. Масалан, ўсмадан ранг оламиз, анор пўстлоғидан, сариқ ранг чиқиши учун пиёз пўстлоғидан ранг оламиз. Аввал кўйлакнинг дизайнини чизамиз, уни тикамиз, битта рангга бўйямиз, очамиз, қуритамиз ва ранглар тиник чиқиши учун яна устидан бўйаб чиқамиз.

Лойиҳа доирасида ташкил этилган экспедиция аъзолари номоддий маданий меросни келгуси авлодларга борица етказиб бериш йўлида меҳнат қилаётган бир гуруҳ фидоий инсонлар билан суҳбатлашиб, фаолиятини ўрганишди. Уругтлик кашта тикувчи хунарманд “Шухрат” медали соҳибаси Мавлуда Ҳамдамовадир. Мавлуда опа узоқ йиллардан буён каштачилик санъати билан шуғулланиб келган, ўнлаб шогирдларнинг устози. У вилоят, республика ва чет давлатларда ўтказилган фестиваллар, кўргазмаларда ўз маҳсулотлари билан иштирок этган.

Эски Афросиёб услубидаги кулолчилик мактаби асосчиси Умар Журакуловнинг ишини Илҳом Бобомуродов ва унинг ўғли Меҳрож Бобомуродов давом эттириб келмоқда. Улар томонидан тайёрланаётган кулолчилик маҳсулотлари Самарқандга ташриф буюрган меҳмонларга манзур бўлмоқда.

Самарқанд қоғозининг ҳам довуғи оламга кетган. Хунармандлардан Санжар Мухторов, Ҳабиба Пўлатова, Бобур Расулов, Нигина Кўзиева ва Хушбахт Абдурахимовлар ҳам Самарқанд қоғози ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келяптилар.

— Бу ерда бир йилдан буён ишлайман, — дейди Кониғил қишлоғида яшовчи хунарманд Райҳона Ҳусанова. — Биз тут пўстлоғини қора қисмидан ажратамиз. Мана шу оқ қисмидан оқ қоғоз тайёрлаймиз ва устки қисмидан ҳам қоғоз тайёрлаш мумкин. Устки қисмидан қора қоғоз ишлаб чиқарса бўлади. Шунингдек, турли сумкалар, жилдлар, найчалар яшаш мумкин.

Экспедиция жараёнида Самарқанд номоддий маданий меросининг ижро санъати, пазандачилик ва хунармандчилик йўналишлари бўйича фаолият олиб бораётган кўплаб сакловчилари ва етказувчилари тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар ҳам жамланди.

Азима ҚИЁСОВА

ҲАР ҚАДАМДА УСТОЗ НАФАСИ

ёки талабаларнинг яқин “жўра”си, фидойи олим,
зукко публицист Сайди Умиров ҳақида

Талабалик пайтларимизда ҳар йили пахта теримига чиқардик. Сайди ака тиниб-тинчимас, бекорчилик у кишига ёт эди. Домла гоҳида бизларга кўшилиб пахта терарди. Теримдан сўнг кечки овқатни еб бўлгач, далада футбол ўйнардик. Спорт футболкасини кийиб олган домла ҳам биз билан баробар тўп тепишар, баъзида маҳорати ошиб кетиб, дарвозага тўп уришга ҳам улгурар эди. Хуллас, домла гўё талабаларнинг яқин дўсти, “жўра”си эди. Ўз навбатида талабалар ҳам домлани ўзига яқин оларди, у киши билан эркин мулоқотга киришарди.

Мамлакатимизнинг энг нуфузли олий илм даргоҳларидан бири бўлган ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетида ўқиб юрган кезларимда устоз Сайди Умировни илк марта дарс машғулотни пайтида кўрганман. Биз “синчков” талабалар ўқитувчиларнинг билим савияси, сабоқ бериш маҳоратига ўзимизча баҳо берардик. Энг кучли домлалар матбуот назарияси ва амалиёти кафедраси профессори Очил Тоғаев, ундан кейин доцентлар Сайди Умиров ва Бойбўта Дўстқораевларга ўзгача меҳр билан қарар эдик.

Аслида устознинг ёмони бўлмайди. Кимдан ниманидир ўрганганмиз, бирдан озроқ, бошқасидан кўпроқ сабоқ олганмиз. Сайди домла оддий ўқитувчиликдан кафедра мудир, декан лавозимларига бўлган синовли довлани босиб ўтди. Устоз ўнлаб бадий-публицистик китоблар, қатор услубий қўлланмаларнинг муаллифи сифатида китобхонларнинг қалбидан чуқур жой олди.

Сайди Умировнинг дарс ўтиш услуби кўпчилик талабаларга маъқул бўларди. У ҳар бир машғулотни қизиқарли ўтар, талабаларни зериктириб қўймасди. Домланинг машғулот ўтиш маҳорати ўзгача эди. Талабаларга сабоқ бериш баробарида тез-тез долзарб мақола ва очерклар ҳам ёзиб турар эди. Мавзуни ҳам яхши танлай билар, ҳар бир сўз устида қаттиқ ишларди. Машғулот пайтида яхши, долзарб мақолалар ёзиб турадиган журналистларни ҳам бирма-бир санаб ўтарди. Уларнинг ижодини эринмай таҳлил қиларди. Одамларнинг дарду ташвишларини, уларнинг оғирини енгил қилмаган, муаммоларни холис ёритмаган, халққа нафи тегмаган ижодкор ҳақиқий публицист эмас, журналист ўта синчков бўлиши, ҳамиша бир қадам олдинда юриши керак, дер эди. Памфлет, фельетон жанрида ижод қилувчи журналистлар йилдан-йилга камайиб бораётганидан афсусланиб гапирарди. Кўпчилик сабоқ, ибрат бўлиши учун домланинг ўзи бу жанрларда озми-кўпми қалам тебратиш турганидан хабарим бор.

Талабаларга ўртак бўлиш учун домлалар ҳам тез-тез мақола ёзиб туриши, маҳоратини кўрсатиши керак, ёзганларини талабаларга ўқиб, таҳлил қилиб тегишли хулоса чиқариши керак,

дер эди. Умуман олганда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Сайди Умиров универсал ижодкор эди. Домланинг ижодий аудиторияси камрови кенг бўлиб, деярли қалам тебратмаган мавзуси йўқ эди. Айниқса, спорт соҳасида маҳорат билан, ўзгача бир ҳарорат билан ёзарди. Футбол, шахмат, курашдан ташқари, ижтимоий-сиёсий мавзуларда ҳам баракали ижод қиларди. Хусусан, футболчилар, ҳакамлар, ҳатто дарвозабонларнинг хатти-ҳаракатларига ҳам муносиб баҳо берган ҳолда муносиб шарҳлай оларди.

Сайди домла фақат шулар билангина чегараланиб қолмади, қатор илмий-танқидий мақолалар ҳам ёзди. Таникли олимларнинг адабий портретини ҳам маҳорат билан ярата олди. У ҳақиқий олимларнинг қадрига етар, улар ҳақида ёзгиси келарди. Айниқса, таникли филолог олимлар – профессор Ғайбулла Саломов, Бегали Қосимов, Нажмиддин Комилов, Асил Рашидов ва бошқа олимларни ҳурмат билан тилга оларди.

Домланинг бевосита ташаббуси билан журналистика факультетида олимлар, ёзувчи-шоирлар, журналистлар билан ижодий учрашувлар, қизгин мушоиралар ўтказиб туриларди. Ижодга чанқок талабалар устоз адибларнинг ижод маҳсулидан баҳраманд бўларди. Хуллас, бундай бетакрор лаҳзалар талабаларда унутилмас таассурот қолдирарди.

Менинг 14 йиллик фаолиятим университет маъмурияти ва журналистика факультети билан боғлиқ бўлди. Талабалик, аспирантлик, лаборантлик кейинчалик ўқув-матбаа лабораторияси мудир, “Тошкент университети” газетасида масъул муҳаррир лавозимларида ишладим. Аспирантурага кириб ўқишимга ҳам жонкуяр Сайди домла яхшигина хайрихоҳлик билдирганди. Ҳар қадамда устознинг илик нафасини ҳис қилиб турдим. У кишидан кўп нарсалар ўргандим.

Домла Чингиз Айтматов, Анатолий Аграновский, Ануар Олимжонов ва бошқа таникли ижодкорларнинг публицистик маҳорати хусусида тўлқинланиб гапиришдан чарчамасди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг ҳамма асарларини ўқиганлигини, унинг ижодига ўзгача муносабат билдириб, адибнинг асарлари миллий менталитетимизга хослигини

алоҳида таъкидлаб, талабаларга ўқишни тавсия қиларди.

Сайди Умиров чинакам устоз-мураббий, бағри кенг, кўнгилчан инсон эди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, доцент Бойбўта Дўстқораев билан худди эгизаклардек яқин эди. Кўпинча икки домла бир-бири билан маслаҳатлашган ҳолда иш тутарди. Сайди домла республикамизнинг деярли барча вилоятларга сафарларга чиқар, саҳифалаб мақолалар ёзар, теша тегмаган мавзуларда ёзишни қотирар эди. Бу кўпчиликка яхшигина сабоқ бўларди.

Кези келганда Сайди Умиров зукко адабиётшунос сифатида адабий танқидчилик борасида ҳам матбуотда анча чиқишлар қилди. Ўнлаб китобларга холисона муносабат билдириб, тақризлар битди. Тиниб-тинчимас домла фидойи мураббий сифатида ёш олимларнинг тадқиқот ишларига, талабаларнинг диплом ҳимоясига илмий раҳбарлик ва оппонентлик қилиб, юзлаб шогирдларнинг меҳрини қозонди.

Кўпчилик талабалар диплом ишига Сайди Умировнинг раҳбарлик қилишини исташар эди. Домла эса буларнинг барига улгурар эди. Боз устига илмий ишларга ҳам раҳбарлик, гоҳида оппонентлик ҳам қилиб кетаверар эди. Домланинг яна бир яхши хислати – ўта дали-ғули эди. Ёшми-қарими, ҳамма билан баравар чиқишиб, ўзига яқин оларди.

Сабоқ беришда ҳам, мақола, очерклар ёзишда ҳам кўпчиликка ўртак бўларди. Айниқса, атоқли адиб, қаҳрамон ёзувчи Чингиз Айтматов, таникли мутафаккир Саидризо Ализода ҳақида ёзган мақолалари кўпчиликнинг меҳрига сазовор бўлган эди. Ўзгаларга ибрат, намуна бўладиган услубда ижод қиларди. Вилоятларга хизмат сафарига борса, албатта газета ва телевидениега ташриф буюрар, собиқ талабалар билан дийдорлашиш баробарида уларнинг ижодий фаолияти билан ҳам танишиб келарди. Сайди домла талабаларнинг деярли ҳаммасини танирди. Улар билан учрашиб қолгудек бўлса, “бўлди эсладим, сен фалончилар билан курсдош эдинг, улар яхши юрибдими? Ҳозир қаерда ишлаяпти? Ижоди ёмон эмасди”, деб уларни қўллаб-қувватлаганига гувоҳ бўлганман.

Ўтган асрнинг 80-йилларида республикамизда газеталар санокли чиқарди. Ким нима ёзса дарров кўзга ташланарди. Сайди ака ўша йилларда мақола ёзган фаол талабаларнинг номи бирма-бир айтиб, бошқа ҳамсабоқларига ибрат қилиб кўрсатар эди. Маҳоратли журналист ҳар соҳанинг ичига кириб бора олади. Тажрибасиз журналист бир қобикда айланиб юраверади, дерди.

Талабалик йилларим – 1987 йил-



да Журналистлар уюшмасига қабул қилиндим. Мени биринчилардан бўлиб табриклаган Сайди Умиров домла бўлди. Домланинг ўнлаб китоблари ўқувчилар мулкига айланган эди. “Чингиз Айтматов публицист ва мунаққид”, “Дорилфунунлар тақдиримда”, “Маънавият мулкига саёҳат”, “Зиёбахш умр саҳифалари” (Бойбўта Дўстқораев билан ҳаммуаллифликда), “Солланиб оқайган дарё” каби ўнга яқин китоблари нашр этилди.

Таъкидлаш жоизки, Чингиз Айтматов публицистикасини ҳеч ким Сайди Умировчалик тадқиқ қилган эмас. Адабиётшунос олим “Солланиб оқайган дарё” китоби орқали “панадаги пақир одам” (С.Умиров ибораси) профессор Ғайбулла Саломов (Ғайбулла ас-Салом)ни қайта кашф қилди. Бу шубҳасиз, университет илмий жамоатчилиги ва талабалар орасида катта “шов-шув”га айланиб кетганидан хабарим бор. Ўша йиллари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Солланиб оқайган дарё” сарлавҳали тақриз чикқанини кўпчилик яхши эслади.

Бир воқеа эсимдан чиқмайди. Профессор Бегали Қосимов 50 ёшга тўлганида Маҳмуд Сатторов салмоқлигина мақола ёзган эди. Домла Сайди Умиров бу мақолани ўқигач, Маҳмуд акага қараб: “Мен ёзмокчи бўлган ҳамма гапларни айтиб ўтибсиз, қойил қолдим”, деб тан берганига гувоҳман. Камтарин ва дарёдил инсон, таникли адабиётшунос олим, устоз Сайди Умиров элнинг назарига тушган ўнлаб олимлар, зиёли инсонлар ҳақида гўзал хотиралар битди. Шулар қаторида олим ва публицист Маҳмуд Сатторов ҳақида чиройли хотира ёзган экан, “шуни Маҳмуджоннинг оиласига етказинг”, деб менга бериб юборганди.

Домла саксондан ошса ҳам анча тегтик, бардамгина юрардилар. Юзларидаги табассум ҳам ўша-ўша...

Кутилмаганда Сайди Умировнинг вафоти ҳақида эшитганимда, тўғриси, ишонгим келмади. Наҳотки... Устозни яқиндагина кўргандимку, саломатликлари панд бериб қолдимикан? Нимаям дердик. Бу ҳам Яратганининг бир синовиди. Кўнгилга бир нарсаси таскин беради. Сайди Умировнинг фарзандлари, набира-абиралари, дўстлари, кўп сонли шогирдлари тимсолида унинг абадиятга эш бўлган иккинчи умри бошланди. Устоз яратиб кетган боғ ҳамиша навқирон ёшда гурқираб тураверади.

Азамат СУЙОНОВ,
журналист.

Грузия деганда кўз олдингизга нималар келади? Осмонўпар тоғлар, шаркирок дарёлар, дилторлар қўшиқлар, қувноқ одамлар... Болалигимда бу юрт хақида кўп ўқиганман, у хақидаги фильмларни севиб томоша қилганман. Ва албатта, бу қадим ва бетакрор мамлакатга боришни, ҳаммасини ўз кўзим билан кўришни орзу қилганман. Мана... орадан йиллар ўтиб, мен Грузиядаман.



РУСТАВЕЛИ ЮРГАН ЙЎЛЛАРДА...

Грузия, Гуржистон, Сакартвелло

Грузинлар ўз ватанларини Сакартвелло деб аташади. Бу грузинлар ўлкаси деган маънони англатади.

Грузия Ер юзидаги энг қадимий давлатлардан бири. Грузинлар ўз давлатчилиқ тарихини минглаб йиллар билан ўлчашади. Маълумотларга кўра, бу ҳудудда эрамыздан аввалги XII-VIII асрларда Колхида, Дияохий сингари давлатлар шаклланди. Эсингизда бўлса, юнонларнинг машҳур Ясон ва Аргонавтлар хақидаги афсонасида ҳам пахлавон Ясон сеҳрли олтин мўйнали излаб Колхидага келади ва бу ердан ўзи қидирган нарсани олиб, юртига қайтади.

“Грузия” атамаси фақат русийзабон манбаларда учрайди. Георгия, Гуржистон атамалари эса, Грузия ҳудудларида илк ўрта асрларда яшган рухоний, Авлиё Георгий номи билан чамбарчас боғлиқ.

Айни пайтда бу мамлакатда 7 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Пойтахти – Тбилиси. Шунингдек, Кутаиси, Батуми, Рустави сингари йирик шаҳарлари мавжуд. Аҳолининг 90 фоизидан ортигини грузинлар ташкил қилади. Грузияда насронийлар билан бирга мусулмонлар, яҳудийлар ва бошқа диний конфессияларга мансуб кишилар яшайди.

Иссиқ булоқлар маскани

Мамлакат пойтахти – Тбилиси шаҳри айнан “иссиқ булоқ” деган маънони билдиради. Тарихий манбаларга кўра, шаҳарга милодий бешинчи асрда грузин шоҳи Вахтанг Горгасали томонидан асос солинган. Афсоналарда айтилишича, бир пайтлар бу шаҳар ўрнида қалин ўрмон бўлган. Вахтанг Горгасали ов қилиб юриб, бир қирғовулга ўқ узади. Қуш шу атрофдаги булоқларнинг бирига қулаб тушади. Шоҳ бориб қараса, қуш аллақачон булоқ сувида пишиб бўлган экан. Шу тарихи шоҳ айнан шу ерда шаҳар қуришга фармон беради.

Тонгги Тбилиси кўчаларини кезар экансиз, уларда кўпгина Шарқ шаҳарларига хос тароват, файз ва осудалиқни сезасиз. 1.200.000 га яқин аҳоли яшайдиган шаҳарнинг бир тарафида грузинлар муқаддас тоғ деб атайдиган Мтацминда тепаликлари ясагини ётади. Сокин Кура (Мтқвари) дарёси шаҳарни қок иккига ажратади.

Бир қанча кўприклар шаҳарнинг икки соҳилини бир-бирига боғлайди. Улардан бири яқин йилларда барпо этилган “Гинчлик кўприги”. Бу гўзал иншоотнинг устки қисми шаффоф қоплама билан ёпилган. Тунда кўприкнинг тўлқинсимон шиша “ёпинчигидан” таралаётган ранг-баранг шуълалар ҳар қандай меҳмонни ўзига мафтун этади.

Тбилисида ўтмиш ва бугунги кун уйғунлашган. Бир тарафда замонавий уй-жойлар, маъмурий бинолар савлат тўкиб турган бўлса, бир тарафда миллатнинг ифтихорига айланган тарихий обидалар, ибодатхона ва кўприклар, ҳаммом ва карвонсаройлар кўзга ташланади.

Айниқса, Тбилисининг Эски шаҳар қисми хориқлик сайёҳларни ҳамиша ўзига жалб этиб келади. Бу ерда бир пайтлар иссиқ булоқлар ўр-

нида қурилган шифобахш ҳаммомлар бугун ҳам ишлаб турибди. Айниқса, баланд жарликлар лабига омонатдек илиниб турган уйлар этиборингизни тортади.

“Бунда борлиқ ўйлар гуржи тилида”

...Машинамиз тобора олдинга илгариларди. Ҳар-ҳар замонда маҳаллий аҳоли пунктларининг тил айланмайдиган номлари битилган йўл лавҳаларига дуч келамиз. Аннанири, Гумлисцихе, Саакадзе, Долабаури...

Машина салони узра эркаларнинг жўровоз куйлаётган ғамгин ашула оҳанглари таралади. Назаримда бу оҳанглари магнитолдан эмас, мана шу куюк арчазорлар, тошдан тошга урилиб оқаётган дарёлар, саноксиз харсанглар, тоғу-тошлар оралаб янграётган дарх туюлади.

Бейхтиёр ёдимга қачондир ёд олганим, оташнафас шоиримиз Шавкат Раҳмоннинг унутилмас мисралари тушади:

*Бунда борлиқ ўйлар гуржи тилида,
Шу тилда сўйлайди бунда ҳар нарса.
Минг-минглаб йилларки гуржи кўзи-ла
Оламга қарайди саноксиз харсанг.*

Баландликка интилаётган бу қадим йўллардан кимлар ўтмайди экан? Балки, Шота Руставелининг ўлмас “Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон” достонини ёзиш ғояси айнан шу йўлларда туғилгандир? Балки мана шу тоғу тошлар Церетелига битмас-туганмас илҳом бахш этгандир? Балки бу тилсиз, сокин чўққилар Жалолиддин Мангуберди минган бедовнинг туёқлари остида чакнаган чақинлардан гувоҳлик берар...

Таҳлика ва ҳаяжон...

Казбеги Грузин-ҳарбий йўли орқали борилади. Бу йўлнинг тамал тоши Чор Россияси пайтида қўйилган. 1783 йилда Россия ва Грузия ўртасида имзоланган Гаоргий битимига кўра, Кавказ ва Россияни боғлаб турувчи йўл қурилишига киришилади. Дастлаб кичикроқ йўл очилган бўлса, Грузия Чор ҳукуматига қўшилган, 1801 йилда бу йўл янада кенгайтирилади. 208 километрни ташкил этувчи ушбу йўл бугун қадар қуруқлик орқали икки мамлакатни боғлаб туради.

Гарчи бугунги кунда йўл замонавий талаблар даражасига келган бўлса-да, барибир у дунёдаги энг хавфли йўллардан бири бўлиб қолмоқда. Кескин бурилиш, бир томондаги баланд қоялару, иккинчи тарафдаги тубсиз жарликлар, ҳар қадамда устингизга бостириб келаётгандек туюладиган баҳайбат юк машиналарини кўриб ҳаяжон ва таҳликага тушмай иложингиз қолмайди.

Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг бошларида бу ҳудудда трамвай йўлини ҳам қуриш режалаштирилган, аммо Биринчи жаҳон урушининг бошаниши бу режанинг амалга ошишига тўсқинлик қилган экан.

...Йўл ҳар қанча таҳликали бўлмасин, бир зум бўлсин катнов тинмайди. Йўл бўйлаб бир нечта туннеллар ҳам ўтказилган, йўл четида

махсус тўсиқлар ҳам ўрнатилган. Аммо, барибир бу йўлдан катнаётган ҳайдовчиларнинг жасоратига, иродасига таҳсин айтгингиз келади.

Ҳарбий Грузин йўлининг денгиз сатҳидан энг баланд нуқтаси 2384 метрни ташкил этади. Чор Россияси даврида шу нуқтада улкан солиб ўрнатилган.

Казбеги – мазкур йўлнинг Грузия ҳудудидаги сўнгги нуқтаси. Бу шаҳарчада беш мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бироқ, у мамлакатнинг асосий туризм марказларидан саналади. Бу ерда сайёҳлар учун хизмат кўрсатиш юксак даражада тараққий этган. Дам олишга келувчилар учун барча шароитлар муҳайё.

Шунингдек Казбеги яқинидаги тоғ чўққисиди Европадаги энг баланд ибодатхоналардан бири Гергети Муқаддас учлик черкови жойлашган. Насронийлар учун муқаддас санлаги бу қадамжодан ҳам зиёратчилар қадами узилмайди.

Миллий ва замонавийлик

Грузиянинг бир қатор шаҳар ва қишлоқларида кезар экансиз, уларда миллий ва умуминсонийлик, ўтмиш ва бугун уйғунлигини сезасиз. Умумий овқатланиш шаҳобчаларида грузин миллий ошхонасининг ўзига хос анъаналарини кўришингиз мумкин.

Бу халқнинг энг сеvimли таомларидан бири – хачапури. Унинг кўриниши ва таъми пишлоқли пиццани эсга солади. Шунингдек, махсус тандир – тонэда пишган узунчоқ нон – қайноқ шатиспурининг ҳиди иштаҳани қитққлайди.

Ўзбек ва грузин ошхонасида ҳам умумий жиҳатлар кўп. Масалан, исмалоқ солиб пишириладиган хлаванининг таъми ўзимизнинг кўксомса ёки бичакдан унча фарқ қилмайди. Буғда пишириладиган хинкали ҳам нимаси билан ўзбек мантисини ёдга солади. Грузияга келган одам борки, баликли, товукли, гўштли овқатлар қаторида турли гуржи ширинликлари, хусусан узум шарбати ва ёнғоқдан тайёрланган махсус ҳолва – чурчхела емай кетмайди.

Бу ўринда саккиз минг йиллик тарихга эга грузин шароблари хақида ҳам оз бўлса-да, тўхталмасликнинг иложи йўқ. Грузияда шароб шунчаки ичкилик эмас, дўстлик ва меҳмондўстлик тимсоли, шунингдек шифобахш ичимлик ҳамдир.

Албатта, бу хушманза, бетакрор ўлка билан яқиндан танишиш учун уч-ўрт кун жуда кам. Грузиянинг табиати, шаҳару қишлоқлари, меҳмондўст, хушчақчақ одамлари, асрлар оша ўз кўрку тароватини йўқотмай келаётган тарихий обидалари, тоғу тошлари, дарё-ю булоқлари, гўзал маданияти, шоиру фозиллари... буларнинг ҳар бири алоҳида мавзу, ҳар бири хақида гапирган, ёзган билан сўз тугамайди, вақт етмайди.

Биз сафаримиз давомида бир қатор шаҳар ва қишлоқларни томоша қилдик. Нарикальа қасри, Абанотубани ҳаммомлари, Сигнаги қалъаси, Жвари ибодатхонаси, Мцхети шаҳарчаси ва бошқа кўпгина тарихий обидаларни бориб кўрдик. Бу осориатикаларнинг ҳар бирида грузин халқининг олис кечмиши, асрий орзу-умидлари, бунёдкорлиги ва эртанги кунга ишончи яққол аксини топган...

Рустам ЖАББОРОВ



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-508
Адади: 1507.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Дилбар МАХМУДОВА

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz

Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6

Эълонлар

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 263-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2008 йилда Атамурадова Сабина Шухрат кизи номига берилган U № 3446689 рақамли шаходатнома (қайд қилинган рақами — 67) йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Туризм ва бизнес касб-ҳунари коллежи томонидан 2011 йил 9 июнда Атамурадова Сабина Шухратовна номига берилган К № 2242235 рақамли диплом (рўйхат рақами — 763) йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 128-сонли умумтаълим мактаби томонидан 1996 йилда Караханов Фиёсхон Илёсович номига берилган UZL № 108782 рақамли шаходатнома йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ИЖОД МАКТАБИ – ЗИЁ МАСКАНИ

Маълумки, умумтаълим мактабларида фаолият олиб бораётган ижодий – маданий масалалар бўйича тарғиботчининг зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган. Ана шундай муҳим вазифалардан бири мактабларда тахсил олаётган иқтидорли, ижодий қобилиятга эга ўқувчиларнинг тасаввурини, иқтидорини кенгайтириш, ижодий салоҳиятларини оширишдан иборат.

Ижодга мойиллиги бор ўқувчи кўп нарсани кўрса, ижодий жараёнлар билан яқиндан мулоқотда бўлса, унинг дунёқараши албатта ўзгаради. Бунинг учун эса ўқувчиларни кўпроқ ижод мактабларига олиб борсак, мактаблар фаолияти билан яқиндан таништирсак, мақсадга мувофиқдир.

Яқинда Бекобод шаҳридаги 3,6,9,11,13,16 ва 19 – умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ адабий тўғарак аъзолари тарғиботчилари етакчилигида Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним номидаги ижод мактабига саёҳат қилишди. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 418 – сонли қарорига мувофиқ Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ихтисослаштирилган мактаб – интернат ташкил этилган. Бундан кутилган асосий

мақсад эса ўзбек халқининг атоқли фарзандлари – шоир, драматург, публицист ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон ҳамда XX аср ўзбек шеърлятида ўз сўзи ва ўрнига эга бўлган севимли шоирамиз, чин маънодаги садоқат куйчиси Зулфия ижодини кенг тарғиб қилиш, уларнинг издошларини кашф этиш ва истеъдодларини намоён қилишларига шарт – шароит яратишдан иборат эди.

Дарҳақиқат, худди шундай бўлди ҳам. 2017 – 2018 ўқув йилида мактаб — интернатнинг 5, 6, 7, 8 — синфларига ҳамда 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб мактабнинг 5 — синфига 30 нафардан ўқувчи қабул қилинди. Шаҳарнинг Шароф Рашидов шох кўчаси, 1-уйда янгидан қурилган 540 — ўринли вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти биноси янги мактаб

– интернатга айлантирилди. Мактаб – интернат биноси 150 ўринли ўқув хонаси, 100 ўринли ётоқхона ва 75 ўринли ошхонага мослаштирилган.

2017-2018 ўқув йилидан бошлаб Халқ таълими вазирлиги Давлат тест маркази билан биргаликда мактаб – интернатга иқтидорли ўқувчиларни саралаб олиш мақсадида она тили ва чет тили фанларидан тест синови ҳамда психологик диагностика ўтказиш ишлари йўлга қўйилди. Бугунги кунда мазкур били даргоҳида 135 нафар ўғил-қизлар тахсил олияпти. Ижод мактаби она тили ва адабиёти, инглиз тили фанини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган бўлиб, ўзбек тили ва адабиёти фанининг ривож учун ёш иқтидорларни тарбияловчи зиё масканига айланиб улгурганлиги айни ҳақиқат.



Ижод мактабида бўлган ўқувчиларимиз қизгин ижодий мулоқотга киришдилар. Устозлар ва мактаб ўқувчилари билан учрашув мушоирага айланиб кетди. Шу куни шеър баҳси, шеър завқи барчани ҳаяжонга солди. Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним, Шароф Рашидов уй – музейларига қилинган саёҳат эса узоқ вақт ўқувчилар ёдида қоладиган бўлди. Хуллас, ижод мактаби – зиё маскани, кўнгилларга мунавварлик, ёрқин шуур улашадиган қутлуғ даргоҳ эканлигидан мамнунлик ҳис этдик.

Камолитдин ПИРНАЗАРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Бекобод шаҳар бўлинмаси мутахассиси.

Табрик

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

9
MAY

XOTIRA VA
QADRLASH KUNI

“ZAVQLI” muddatli omonati

Omonat muddati 4 oy

Foiz stavkasi:

- bank filiallari orqali 22%
- mobil ilova orqali 23%



“Qishloq qurilish bank” – farovon hayotingiz xizmatida!